
Наврӯз байрами арафасида...

Маълумки давлатимиз раҳбари "Наврӯз" байрами тантаналарини ўтказиш бўйича қабул қилган қарорларида "Ҳеч ким меҳр ва мурувватдан четда қолмасин" туркум тадбирларини амалга оширишга алоҳида урғу берилган эди.

-Бугун Бағдод туман ҳокимлиги томонидан "Аёллар дафтари"да турувчи, ногиронлиги бор хотин - қизлардан 193 нафарга бир марталик моддий ёрдамлар берилди. Шунингдек, доимий турар жойига эга бўлмаган, ижарада яшаб келаётган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 5 нафар аёлларимизни ижара компенсациялари тўлаб берилган бўлса, 3 нафарини ҳар бирига 6 миллион сўмдан ортиқ маблағи даволаниши учун дори - дармонларига белгиланган тартибда ўтказиб берилди - дея хабар берди туман ҳокими ўринбосари Тўлқиной Тожиева

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари К.Кавлонова иштирок этди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)

2024-03-22 13:54:47